



ТРАНСПОРТ ҲАРАКАТИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБ ВА ШАРОИТИ

**Бердибоев Сардор
Шамшетова Зулхумар**

Қорақалпоқ давлат университети Юридика факультети

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида Транспорт ҳаракатлари ва ундан фойдаланиш қоидаларига қарши жиноятларнинг криминалогик тавсифи, жиноятнинг келиб чиқиш сабаби ва шароитлари тўғрисида кенг тушунтириб берилган

Калит сўзлар: Транспорт ҳаракати, хавфсизлик, эҳтиётсизлик, криминалогия, сабаб, Жиноят жиноий жавобгарлик

Кишилик жамияти тўхтовсиз тараққий қилиб борар экан, шунга мувофиқ равишда ижтимоий ўзгаришлар ҳам жадал суръатларда юз беради ва ижтимоий муносабатлар мураккаблашиб, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёж борган сари ўсиб бораверади. Шунга мувофиқ равишда фан-техника жадал суръатларда ривожланади, технологиянинг янги-янги турлари яратилади. Кишиларнинг жисмоний ва маънавий ривожланиши уларнинг турли эҳтиёжларининг ҳам ўсиб боришига олиб келади.

Инсонлар томонидан энергиянинг қудратли манбалари яратилди. Ишлаб чиқаришнинг ғоят катта базалари вужудга келтирилди. Ишлаб чиқаришга ғоят мураккаб замонавий машина ва механизмлар жорий қилинмоқда. Бу, ўз навбатида, инсонларнинг эҳтиёжларини қондиришда жуда катта аҳамиятга эга бўлиши билан бирга потенциал хавф манбаи ҳам бўлиб қолмоқда.

Криминалог олимларнинг тадқиқотларига кўра, эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноятларнинг 75 фоизини автомобиль транспорти ҳаракат хавфсизлиги ва транспортдан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар ташкил этади.

Техника тараққиёти шунчалик тез ривожланмоқдаки (замонавий тез юрар автомобилларнинг кўпайиб кетаётганлиги, йўлларнинг эса бу транспорт воситаларининг ҳаракатланиш талабларига жавоб бера олмаслиги), йўлларни замонавий талаб даражасида қуриш ишлари орқада қолиб кетмоқда. Турли машина-механизмларни турмушда татбиқ этиш кенг тус олган, аммо аҳоли кенг оммаси томонидан уларни ўзлаштириш орқада қолмоқда. Натижада кўп ҳолларда бундай воситалар билан муомала қилишда таваккал қилиш ёки енгилтаклик билан муомала қилишга ёки хатоларга йўл қўйилишига сабаб бўлмоқда.

Эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноятлар жиноий хулқ механизмнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг детерминантларига кўра қасддан



қилинадиган жиноятлардан фарқ қилади. Ҳатто эҳтиётсизликдан шахсга қарши содир этиладиган жиноятларнинг мотивацияси шахсга қарши қасддан қилинадиган жиноятларнинг мотивациясига ўхшамайди. Шунинг учун ҳам эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноятларни умумий жиноятлар структурасидан алоҳида ажратиб, криминологик таснифлаш ва тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир.

Эҳтиётсизликдан содир этиладиган барча жиноятларнинг асосида ҳар доим субъектнинг хатоси ёки эътиборсизлиги ётади. Субъектнинг ана шу хатоси ёки эътиборсизлиги жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатни жиддий хавф остида қолдиради ва жиддий зарарли оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Айниқса бозор иқтисодиёти тизимига ўтиш ва ислоҳотларни амалга ошириш вақтида жамиятда ҳал қилиниши жуда зарур бўлиб турган муаммолар кундаланг бўлиб турган бир шароитда эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш иккинчи даражали вазифага айланиб қолади.

Эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноятлар ичида транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш билан боғлиқ бўлган эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноятлар алоҳида ўринда туради.

Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш бизнинг мамлакатимизда ҳам жиддий муаммолардан бири ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, автомобиллаштиришнинг юқори даражада ўсиши шароитида ҳам автотранспорт авариялари ва ҳаракат хавфсизлигини бузиш натижасида юз берадиган жиноятларни камайтириш мумкин. Бунинг учун автомобиль транспорти воситаларининг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш тегишли давлат идоралари, ташкилотлар, жамоатчилик ташкилотлари ва ҳар бир фуқаронинг диққат марказида бўлиши керак.

Лекин автомобиль йўлларининг ҳозирги даврдаги сиғими мавжуд автомобилларнинг нормал ҳаракатланиши учун имконини бермаётганлиги, йўлларнинг ҳаракатланиш ва унинг четларининг ҳозирги замон талаби даражасига жавоб бермаслиги, транспорт воситаларидан фойдаланувчи ва унинг эгалари томонидан транспорт воситаларининг ўз вақтида тегишли давлат идоралари томонидан рўйхатдан ўтказилмаслиги, ўз вақтида техник кўриқдан ўтказилмаслиги, транспорт воситаларининг конструкцияларига ўзбошимчалик билан турли қўшимча ва ўзгаришлар, мосламалар киритиш, транспорт воситаларининг бузуқ бўлишига қарамай улардан фойдаланиш, транспорт воситаларини бошқариш вақтида ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш, транспорт воситасини бошқаришга малакаси ва гувоҳномаси бўлмаётган туриб уларни бошқариш, транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш ва шунга ўхшаш қоида бузишлар автотранспорт жиноятларининг содир бўлиш манбалари ҳисобланади. Шунингдек пиёдалар томонидан йўл ҳаракати



хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаслиги ҳам бу борадаги жиноятлар содир этилишининг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Криминология нуқтай назарида автотранспорт жиноятларини структурасига кўра қуйидагиларга ажратиш мумкин :

1. Одам ёки одамлар ўлимига сабаб бўлган жиноятлар;
2. Баданга шикаст етказилишига олиб келган жиноятлар;
3. Автомобиль ҳайдовчиларининг айби билан содир этилган жиноятлар;
4. Автомобилдан ташқарида бўлган кишиларнинг айби билан содир этилган жиноятлар;
5. Автомобил аварияси туфайли ўлган одамларнинг миқдори;
6. Бу туркумга кирувчи жиноятларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши;
7. Йилнинг чорак, ой, ҳафта ва кунлари бўйича содир этилиши миқдори;
8. Ҳаракат хавфсизлиги қоидаларининг қайси тури бузилишига қараб;
9. Келиб чиққан оқибатнинг оғирлик даражасига қараб;
10. Йўлларнинг турига қараб.

Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлигини бузиш жиноятларининг учдан икки қисми ҳайдовчиларнинг айби билан, учдан бир қисми эса транспортдан ташқарида бўлган йўловчиларнинг айби билан содир этилар экан. Бунда шахсий автомобиль ҳайдовчилари томонидан содир этилаётган жиноятлар ҳайдовчилар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг 60 фоизини ташкил қилди.

Автотранспорт жиноятларининг структурасини ўрганиш, энг аввало, бу жиноятларнинг ижтимоий хавфсизлик даражасини белгиласа, иккинчи томондан, бу борадаги жиноятчиликнинг олдини олиш чораларининг тизимини ишлаб чиқиш имконини беради.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш қоидаларининг энг кўп содир этилаётгани муайян турдаги транспорт воситасини бошқаришга гувоҳномаси бўлмаётган туриб, уларни бошқариш; белгиланган тезликка риоя қилмай, тезликни ошириб ҳайдаш, йўлнинг қарама-қарши ҳаракатланиш қисмига ўтиш, қувиб ўтиш қоидаларини бузиш; чорраҳаларда ўтиш қоидаларини бузиш; темир йўл кесимчаларидан ўтиш, транспорт билан маневр қилиш кабилар бўлмоқда.

Пиёдалар томонидан содир этилаётган ҳаракат хавфсизлигини бузишга, йўлни кесиб ўтиш мумкин бўлмаган жойдан ўтиш, транспорт воситасидан атрофга эътибор бермай тушиб қолиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминловчи белгиларга аҳамият бермаслик, катталарнинг назоратсиз болаларнинг йўлнинг мумкин бўлмаган жойдан кесиб ўтиши сабаб бўлмоқда. Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш энг хавфли ва кўп содир этилаётган қоидабузарлик бўлиб қолмоқда.

Йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ бўлган жиноятларни содир қилувчи кишиларнинг шахсини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, улар кўпроқ



вазиятга боғлиқ ҳолда содир этилади. Жиноят содир қилган шахслар ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик туфайли ёхуд ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига ҳурматсизлик қилганликлари туфайли мазкур жиноятлар содир бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, қоидабузарларнинг айримлари транспортдан фойдаланиш ва ҳаракат хавфсизлигини муттасил равишда бузиб юрган шахслардир. Айниқса, жиноятни содир этиб жабрланувчига ёрдам бермай қочиб кетган кишиларнинг шахси анча хавfli ҳисобланади. Чунки ҳаракат хавфсизлигини бузиш натижасида содир этилган жиноят эҳтиётсизликдан содир этилса, жабрланувчининг ҳаёти хавф остида қолганлигига қарамасдан унга ёрдам бермаслик қасддан содир этилади.

Транспорт воситасини бошқарувчи кишининг шахси билан вазият ўртасида тўғридан-тўғри алоқадорлик бўлиб, вазиятнинг ўзи ҳеч қачон автотранспорт жиноятининг сабаби бўла олмайди. Чунки киши шахси билан вазият ўртасидаги алоқадорлик мавжуд бўлгандагина таҳлил этилаётган жиноятлар содир этилади. Доимо ҳушёр бўлиш, ҳар қандай вазиятда ҳам транспорт ҳаракати билан боғлиқ бўлган жиноятнинг юз бермаслиги ҳайдовчининг маҳорати ва ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини қай даражада мукамал билиши ва унга риоя қила олиш қобилияти билан боғлиқдир.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ бўлган жиноятларни содир қилувчиларнинг асосий кўпчилиги 18-24 ёшдаги ёшлардир. Бу ёшдагилар ўртасида транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш жиноятларининг кўпроқ содир этилишининг асосий сабабларидан бири шундан иборатки, уларнинг транспорт воситаларини бошқаришда етарли даражада тажрибага эга эмаслиги ҳамда улар ҳали ўзларини руҳий жиҳатдан етарли даражада қўлга ололмаглиги (иродавий ҳолатга нисбатан руҳий ҳолатнинг устунлиги) ва тез ҳайдашга ишқибозлиги туфайли ана шундай ҳодисалар бу ёшдаги ҳайдовчилар ўртасида кўпроқ содир этилади. Айниқса шахсий автотранспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан шундай жиноятни содир этиш кўпроқни ташкил этади. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, барча транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш натижасида рўй берган жиноятларнинг 62 фоизи шахсий транспорт воситаларининг ҳайдовчилари томонидан содир этилмоқда.

Бозор иқтисодиёти тизимида ўтиш даврида ДАН ходимлари ўртасида коррупция жиноятчилигининг содир этилиши ҳам маълум даражада транспорт воситалари ҳаракати ва улардай фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг юз беришига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш билан боғлиқ бўлган жиноятларни содир қилган шахсларнинг ҳар учтадан биттаси олдин ҳаракат



хавфсизлиги қоидаларини бузганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилганлар (кўпроқ транспорт воситасининг тезлигини оширганлик ёки алкогольли ичимлик ичган ҳолда транспорт воситасини бошқарганлик учун).

Бажарилиши керак бўлган ишни қисқа вақт ичида бажариб қўйиб, бошқа ишлар учун вақтни орттириб қолишга интилиш, бирор манзилга тезроқ етиб боришга ошиқиш, йўловчиларни тезроқ манзилига олиб бориб қўйиб, янги йўловчиларни олишга ошиқиш, ДАН ходимларининг таъқибидан қочиш қутулиш, киракашлик қилиб кўпроқ пул ишлашга интилиш ва ҳоказо мақсадлар шундай жиноят содир бўлишига олиб келиши мумкин. Шунга кўра, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузишнинг мотивлари ва мақсадлари қоида бузувчилар ижтимоий йўналишининг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Мутахассислар томонидан ўтказилган сўровнинг натижаларига кўра, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳолда жиноят содир қилганлиги учун ҳукм қилганларнинг ахлоқий-руҳий сифатларига кўра енгилтаклик қилганлар – 64 фоизни, ўзига жуда ҳам юқори баҳо бериб ҳаракат қилганлар- 90 фоизни, ҳақиқий вазиятни тўғри баҳолай олмаганлар – 43 фоизни, жиддий эҳтиётсизликка йўл қўйганлар – 44 фоизни ташкил қилган. Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларни бузишнинг 30 фоизи пиёда йўловчилар томонидан содир этилмоқда. Афсус билан таъкидлаш керакки, кўп ҳолларда йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузувчи шахсларнинг ўзлари жабрланувчи бўлиб қолмоқдалар.

Ҳайдовчилик касбига ўқитадиган ўқув мактабларида ҳар доим ҳам ва ҳаммасида ҳам интизомли юқори малакали ҳайдовчилар тайёрланади деб бўлмайди. Пиёда йўловчиларга йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишни ўргатиш масалалари ўқув муассасаларида етарли даражада яхши йўлга қўйилмаганлиги, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини аҳолига ўргатишнинг яхши ташкил этилмаганлиги ҳам автотранспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг кўрсаткичларига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Автотранспорт воситаларини аварияларга олиб келадиган вазиятлар транспорт воситалари ҳаракатланадиган йўлларни тегишли даражада сақламаслик (йўлнинг текислиги, кенглиги, пиёдалар ўтиш жойлари белгилари, чорраҳаларда пиёдалар ва транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солувчи белгиларни яхши ҳолда сақламаслик); транспорт воситаларида унинг конструкцияси бўйича зарур бўлган қисмларининг айримларининг (масалан, кузатиш ойналари) йўқлиги туфайли транспорт атрофини кузатиб бориш имкониятларининг чекланганлиги; транспорт воситасини техник кўрикдан ўтказишнинг кечиктирилганлиги ёки ундан фойдаланиш муддатларининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетганлиги, транспорт воситасининг эскириб



қолганлиги; транспорт воситасининг носозлигини била туриб, уни таъмирламасдан фойдаланиш; ҳайдовчи ва йўловчилар томонидан авария вазиятлари вужудга келганда, унинг оқибатларининг олдини оладиган ёки камайтирадиган мосламалардан фойдаланмаслик; йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун (маъмурий ёки жиноий) жавобгарликнинг муқаррарлигига тўла амал қилмаслик; пиёда йўловчиларнинг ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслиги; ДАН ходимлари ичида коррупциянинг мавжудлиги кабилардир.

Автотранспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг олдини олишнинг муҳим шартлари, энг аввало: автомобилсозлик ҳамда йўл қурилиши ижтимоий-иқтисодий режаларини амалга оширишдан, йўл ҳаракати қатнашувчиларининг ҳуқуқий билимларини ошириш ва уларни ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017 й.
2. «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни
3. Ўзбекистон Республикасининг «Автомобиль йўллари тўғрисида» 2007 йил 2 октябрдаги ЎРҚ-117-сон Қонуни, 3-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 10-сон, 472-модда
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 2022-йил 4-апрельдаги ПҚ-190-сонли қарори "Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"
5. Абдуқодиров Ш.Ё. Айбнинг эҳтиётсизлик шакли ва унинг белгилари. Ўқув – қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2005. – 65 б
6. Криминалистика. Дарслик. Муаллифлар жамоси-Тошкент ТДЮ, 2018,- 553б.